ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Xabar

14 (968)-son
8-aprel
2011

www.xabar.uz
info@xabar.uz
xabar@uzpak.uz

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

*Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир.*

Ислом КАРИМОВ

## Ҳар кимнинг ўз ўрни бўлсин ҳаётда




**Келажагимиз эгалари бўлмиш ёшларга мукаммал тарбия бериш, илм даргохларида етарли билим олишларига шароит яратиш хамда хаётда ўз ўрнини топиб олишларига кўмаклашишга бўлган эътибор шу кунларда хар качонгидан хам ортган. Буни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2011 йил 8 февралдаги "Умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларини касбга йўналтириш, уларни ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига тўлик жалб этиш, касб-хунар коллежларида таълим сифатини ошириш, мос йўналишдаги ишлаб чикариш корхоналари билан ҳамкорликни ташкил этиш, битирувчиларни ишга жойлаштириш тўғрисида"ги карорида келиб чикиб, Тошкент алока касб-хунар коллежи хамда "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали ўртасида "Устоз-шогирд" йўналиши бўйича амалга оширилаётган ишлар мисолида яккол кўриш мумкин.**

5-бет

### Алоқа оламида: Сўнгги янгилик!



Келгуси йили бўлиб ўтадиган Ёзги Олимпия ўйинларида Лондон метрополитенининг 120га яқин станцияси интернетга Wi-Fi технологияси орқали уланади. Хусусан, 2010 йил ноябр ойида метрополитен ва BT Openzone компанияси ҳамкорликда метронинг энг гавжум станцияларидан бири Черинг-Кроссда синов ишларини бошлаган ва икки ҳафта олдин бу изланишлар дастлабки натижаларини берганди.

Ҳамкорларнинг маълумот беришича, Wi-Fi технологияси поездлар ва ер ости йўлларида эмас, фақат станцияларда татбиқ этилади.

### Ушбу сонда:

Намангандa "Ягона ойна" маркази 2

Божхонада АКТ: **Озарбайжон тажрибаси** 4

**Обсуждены итоги квартала** 6

**100 Гигабайтлик диск** 11

**Юксак маънавият соҳиби** 16

**Теледастурлар, спорт, кроссвордлар**

Aloqa Print
• СИФАТЛИ ТЕЗКОР
• ПОЛИГРАФИЯ ИШГА ИЖОДИЙ ЁНДАШУВ
Буклетлар, плакатлар, постерлар, визиткалар, бланкалар, открыткалар, блокнотлар, папкалар, хилма-хил календарлар, журналлар ва каталоглар тайёрлаймиз
Манзил: Амир Темур кўч., 1/2
Тел.: (+998 71) 238 13 34, 238 39 49
Факс: (+998 71) 233 85 56
www.aloqaprint.uz

## Jumadan Jumagacha

**Жорий йилнинг 6 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарор имзоланди. Мазкур қарор асосида Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллигини кенг нишонлаш ва байрам тадбирларини юқори савияда ўтказиш мақсадида вазирликлар, идоралар, корхона ва ташкилотлар ҳамда муассасаларга тегишли топшириқлар, вазифалар берилди.**

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони эълон қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда “Генетик ўзгартирилган маҳсулотлар ва ген инженериясига оид ҳуқуқий механизмлар” мавзуида амалий семинар ўтказди.**

“Ўзбекенгилсаноат” давлат акциядорлик компаниясида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан семинар ташкил этилди. Мамлакатимизда енгил саноатни ривожлантириш истиқболларига бағишланган мазкур тадбирда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирликлар, “Ўзбекенгилсаноат” ДАК таркибидаги корхоналар, молия муассасалари, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти вакиллари иштирок этди.

**Қарши шаҳрида “Ўзбекистонда 2010 йилда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар моҳияти” мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди.**

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган “Биз — 20 ёшдамиз” деб номланган ёшлар акцияси Гулистон, Жиззах, Урганч, Нукус шаҳарларида ўтказилди. Мазкур тадбирлар “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази, “Меҳр нури” хайрия жамғармаси ҳамда “Аёллар кенгаши” Республика жамоат бирлашмаси томонидан ташкил этилди.

**Саудия Арабистони Подшоҳлигида 25-31 март кунлари Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Саудия Арабистони Подшоҳлиги маданият ва ахборот вазирлиги ҳамкорлигида ташкил қилинди.**

QAROR VA IJRO

# Наманганда "Ягона ойна" маркази

**Шу йилнинг 26 март куни Наманган шахар хокимлигининг мажлислар залида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараккиёт Дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Ўзбекистон алока ва ахборотлаштириш агентлиги Наманган вилояти худудий бошкармаси, шахар хокимлиги ходимлари, йирик корхона ва ташкилотлар рахбарлари, махалла фукаролар йиғини раислари иштирокида Наманган шахар "Ягона ойна" марказини ташкил килиш бўйича семинар бўлиб ўтди.**

Ушбу ташаббус Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Ўзбекистон Ҳукумати томонидан имзоланган "2010-2015 йиллар даври учун мамлакатга оид дастурни амалга ошириш бўйича хатти-ҳаракатлар режаси"ни бажариш доирасида амалга оширилмоқда.

"Ягона ойна" маркази давлат хизматларини тақдим этишга янгича ёндашув бўлиб, у хизматлар кўрсатиш усулини ўзгартириш йўли билан мазкур жараёндаги ортиқча, кераксиз қадамларни камайтириш, фуқароларга хизмат кўрсатишда бюрократик тўсиқларни олиб ташлашга ёрдам беради. Ушбу янгиликнинг моҳияти шундан иборатки, аҳоли учун мўлжалланган катта доирадаги давлат ва жамоат хизматлари бир жойга жамланади, фуқаролар эса, кўп вақт сарфламасдан, "Ягона ойна" марказида маълумотлар, лицензиялар, аккредитациялар олиш ва бошқа хизматлардан фойдаланиш имконига эга бўладилар.

Ушбу ташаббусни амалга ошириш натижасида "Ягона ойна" маркази фуқароларнинг сўровномаларини қабул қилиши, турли ҳокимият органлари билан мустақил, ҳамжиҳатликда иш олиб бориши, кейин эса фуқароларга тайёр ҳужжатларни тақдим этиши мумкин бўлади. Давлат божларини, давлат томонидан кўрсатиладиган ҳар хил пулли хизматлар ҳақини тўлаш ва бошқа тўловларни амалга ошириш учун "Ягона ойна" маркази биносида банк бўлими жойлаштирилади. Ўз навбатида, шаҳарда яшовчи ҳар қандай фуқаро турли ташкилотларга қатнаш учун вақт сарфламасдан ишга жойлашиши, тадбиркорлик фаолияти, солиқларни тўлаш масалаларини ҳал қилиш, давлат кўчмас мулк кадастридан маълумотлар, коммунал, ижтимоий ва бошқа масалаларга доир ахборотлар олиш имкониятига эга бўлади.

"Ягона ойна" марказини яратишда Наманган шаҳар ҳокимлиги, БМТ Тараққиёт Дастурининг "Ўзбекистон Ҳукуматига мамлакат ривожланиши учун АКТ сиёсатини шакллантириш ва жорий этишда кўмак" (ICTP) лойиҳаси иштирок этишади. Телекоммуникация хизматларини кўрсатишдаги техник масалалар Агентликнинг Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси мутахассислари томонидан мувофиқлаштирилмоқда.

"Ягона ойна" марказида шаҳар газ таъминоти идораси, ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш, халқ таълими бўлимлари, электр тармоқлари идораси, тадбиркорлик фаолиятини рўйхатга олиш бўлимининг вакиллари ишлашлари учун шароит яратиш кўзда тутилмоқда. Шуни таъкидлаш зарурки, марказнинг бўлажак мутахассислари учун ахборот-коммуникация технологиялари билан ишлаш кўникмаларини мустаҳкамлаш, амалий мулоқот ва муомала маданияти, фуқароларга, шунингдек, ногиронларга хизмат кўрсатиш бўйича бир қанча тренинг-курслар ташкил этилади.

Семинар давомида "Ягона ойна" марказининг асосий мақсади, хизмат категориялари, аҳолига кўрсатиладиган хизмат турлари, хизматларнинг оммабоплиги ҳақида иштирокчиларга тушунчалар берилди.

*Камолиддин РАҲИМОВ,*
*Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Наманган вилояти худудий бошқармаси етакчи мутахассиси*

# Давлат бошқаруви тизимида АКТ



**UZINFOCOM компютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш марказида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган семинар “Давлат бошқаруви тизимида ахборот технологияларини ривожлантиришнинг ўрни ва аҳамияти” мавзусига бағишланди. Жаҳонда ва Ўзбекистонда давлат бошқарувида замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш бўйича янги йўналишлар ва тенденциялар билан танишиш мақсадида уюштирилган мазкур семинарда давлат қўмиталари, идоралари ва агентликлари вакиллари иштирок этди.**

Семинарни марказ бош мутахассиси Алижон Назаров олиб борди ва замонавий ахборот технологияларидан давлат бошқарувида фойдаланиш давлат органларининг иш самарадорлигини оширишга, органлар ишининг очиқлигини таъминлашга, давлат органларининг фуқаролар ва тадбиркорлар билан ўзаро алоқадорлиги тезкорлик ва самарадорликни оширишга имкон беришини таъкидлаб ўтди. Шундан сўнг сўзга чиққанлар давлат бошқарувида АКТни шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий омили бўлган давлат органлари веб-сайтлари ва интереактив давлат хизматларини ривожлантириш, давлат ахборот тизимлари ва ресурсларини шакллантириш ҳамда замонавий ахборот тизимларини давлат бошқарувида муваффақиятли жорий этиш бўйича илғор чет эл тажрибалари хусусида сўз юритдилар. Шунингдек, давлат органларининг фаолиятида АКТдан самарали фойдаланиш асослари, электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжат айланиши тизимларидан фойдаланиш аспектлари кўриб чиқилди.

Семинар давомида иштирокчилар ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар, давлат ҳокимияти ва бошқарувида ахборот-технологияларининг долзарб муаммолари ва ютуқларини муҳокама қилдилар. Якунда давлат тизимида АКТни янада ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

*У.ЙЎЛДОШЕВ*

**“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ:**

## ЯНГИ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМ

**“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ билан “Rebic” МЧЖ ўртасида тузилган шартнома асосида штрих коддардан фойдаланувчи “Рўйхатга олинувчи почта жўнатмалари ўтишини назорат қилиш ва Бутунжаҳон почта иттифоқи билан EDI маълумотларини алмашиш автоматлаштирилган тизими” дастури ишлаб чиқилди.**

Мазкур тизимга боғланувчи иш жойларини керакли техникалар билан жиҳозлаш учун 2010 йилда марказлаштирилган ҳолда филиалларга 190та компютер жамланмаси, 192та узлуксиз электр таъминоти ускунаси, 192та штрих код сканери ва 16та штрих код принтерлари ажратилди.

Ҳозирги кунда мазкур тизимни синов ишлатиш ишлари “Халқаро почтамт” филиалида, филиалларнинг 15та почта алоқаси алмашинуви пунктида ва 61та почта алоқаси тармоғи (ПАТ)нинг саралаш участкалари (Андижон — 5, Бухоро — 11, Навоий — 10, Самарқанд — 4, Тошкент — 4, Фарғона — 11, Хоразм — 11, «Тошкент почтамти» — 5) да олиб борилмоқда. Қолган 116 ПАТларда ҳам ушбу йўналишда ишлар олиб борилмоқда.

Ушбу тизимнинг фойдаланишга топширилиши почта жўнатмаларига ишлов бериш тезлиги ва ишчиларнинг меҳнат унумдорлигини оширади, мижозлар ва назорат хизмати ходимларига “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ веб-сайти (www.pochta.uz) орқали рўйхатга олинувчи почта жўнатмаларининг ўтишини тезкор назорат қилиш имконини беради.

*pochta.uz*

**«NAVOIY» ERKIN INDUSTRIAL-IQTISODIY ZONASI HAYOTIDAN**

# Ижтимоий ҳимоя пойдевори

**«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида ташкил этилган қалдирғоч корхоналардан бири “TELECOM INNOVATIONS” қўшма корхонасида бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси тузилди.**



Президентимизнинг 2008 йил 2 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилингандан буён ўтган қисқа давр мобайнида ана шу воҳа заминининг беҳисоб табиий бойликларини, саноат соҳаси ва коммуникация тармоқларининг ривожланганлигини ҳисобга олиб, жаҳон стандартларига мос, ташқи бозорларда харидоргир маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, хорижий инвестицияларни тўғридан-тўғри жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришдан иборат катта мақсадни кўзлаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Бугун халқаро ҳамжамият Ўзбекистонни ишончли инвестицион шерик сифатида тан олмоқда. Чунки амалдаги бир қатор қонунлар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги ҳамда “Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари хорижий инвесторларнинг манфаатларини кафолатлаб, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 13,6 фоиз кўп инвестициялар ўзлаштирилганлиги ва ушбу инвестицияларнинг салкам 72 фоизи ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга йўналтирилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, 2010 йилда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида хорижий инвесторлар билан эришилган битимлар доирасида 19та инвестиция лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Ана шу лойиҳалар доирасида жаҳон бозорида харидоргир бўлган замонавий маҳсулот ишлаб чиқарадиган 7та корхона фойдаланишга топширилди.

Бугунги кунга қадар Корея, Бирлашган Араб Амирликлари, Сингапур, Хитой каби йирик давлатлар билан ҳамкорликдаги “O‘zeraecable”, “TELECOM INNOVATIONS”, “O‘ZMINDA”, “UZKOR LIGHTING”, “DUGASTECH”, “NAVOIY-BEAUTY COSMETICS”, “O‘zEraeAlternator”, “CFM PROENERGIES” ва “NAVOIY HUNAN PULP” каби 9та қўшма корхона вилоят адлия бошқармаси томонидан рўйхатдан ўтказилганлиги кўзланган мақсадларга изчиллик билан эришилаётганлигидан далолат бериб турибди.

Индустриал-иқтисодий зона ҳудудида ташкил этиладиган корхоналарда ишчи-хизматчиларга яхши меҳнат шароитлари яратиб бериш билан бир қаторда, уларнинг саломатликларини тиклаш, спорт билан шуғулланишларига имкон бериш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган ташкилотлар ҳам бирин-кетин фаолият бошламоқда.

Шулардан бири сифатида корхонада бошланғич касаба уюшмаси қўмитасининг тузилганлигини таъкидлаш мумкин.

“TELECOM INNOVATIONS” қўшма корхонасида ўтказилган навбатдаги йиғилиш айнан ана шу масалага бағишланди. Корхона директори Фирдавс Алиев кун тартибидаги масала юзасидан сўз оларкан, касаба уюшмасини тузишнинг ходимлар учун ҳар тарафлама афзалликлари борлигини таъкидлади. Жамоа аъзолари эса маданий-маърифий, спорт соҳасидаги ишлардан ташқари, сиҳатгоҳларда соғлиғини тиклаш, фарзандларининг эзги оромгоҳларда дам олишларини ташкил этиш каби масалалар ечимини топишда бошланғич касаба уюшмаси қўмитасининг ўрни беқиёслигини тушунган ҳолда, уюшма қўмитасини тузишга ва унинг раисини сайлашга қарор қилдилар.

— Жамоа аъзоларининг таклифига биноан корхона монтажчиси Жамшид Ғафуров бир овоздан бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси раиси этиб сайланди, — дейди Навоий вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси Муҳаббат Норқулова. — Биз сафимиз янада кенгайганлигидан ва яна бир корхона жамоаси ҳимоясини зиммамизга олганимиздан мамнунмиз. Касаба уюшмаси қўмитаси ижтимоий ҳимоя пойдевори бўлишига шак-шубҳа йўқ.

***Маруса ҲОСИЛОВА,***
***“Xabar”нинг***
***Навоий вилоятидаги мухбири***

# Аскарлар хизматга шай

Махсус авария-тиклаш бошқармасида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ёш аскарларни тантанали кутиб олиш маросими ўтказилди. Шу куни ёш аскарларимиз шарафига байрамона дастурхон тайёрланиб, ош тортилди. Баҳор нафаси, янгиланиш ва яшариш байрами бўлмиш Наврўз ҳам эсда қоларли тарзда нишонланди.

Байрамга ажойиб кайфият бағишлашда ТАТУ қошидаги бадиий ҳаваскорлик гуруҳи Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши етакчи мутахассиси Суннат Абдуғаниев ташаббускорлигида ўз ҳиссаларини қўшишди.

Ёш аскарларимиз фақат байрамларни нишонлаш билан чегараланиб қолмай, қисм ҳудудига янги кўчатлар экиш ва ободонлаштириш ишларида ҳам ташаббускорлик кўрсатишди, шу билан бирга, ҳарбий қасамёд қабул қилишгача бўлган бир ойлик бошланғич ҳарбий тайёргарлик босқичини намунали якунлашга эришишди. Ниҳоят, барча ёш аскаримиз байрамга ташриф буюрган ота-оналари қошида кўтаринки кайфият билан Ватанга содиқлик қасамёдини тантанали равишда қабул қилишди. Ушбу сана ёшларимиз ҳаётида унутилмас кун бўлиб қолади.

***Ш.КУРАЙШЕВ,***
***Махсус авария-тиклаш бошқармаси тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи, капитан***

# Учрашув

ТАТУда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси масъул котиби, фан номзоди Бобур Ғиёсов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Бобур Бобомурод, таниқли шоир, “Ўзбекистон” давлат нашриёти муҳаррири Даврон Ражаб билан учрашув бўлиб ўтди.

Суҳбатда юртимизда мустақиллик даврида эришилган ютуқлар, амалга оширилаётган ишлар ҳақида талабалар билан фикр алмашилди. Республикада фан, адабиёт ва санъатга берилаётган эътиборнинг юксаклиги ҳақида гапириб ўтилди.

Бобур Бобомурод ёшларга яратилган ва яратилаётган имкониятлар ҳақида, бугунги кун ёшларининг ахлоқи, маънавияти, ўзини тутиши борасида сўз юритди. Ўз ижодидан намуналар ўқиб берди. Шоирнинг ёшлик, ахлоқ-одоб, устоз ва ота-оналарни эъзозлаш ҳақидаги шеърлари йиғилганларда катта таассурот уйғотди.

Шоир Даврон Ражаб эса XIX аср охири ва XX аср бошидаги Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий аҳволга тўхталиб, ўша даврда ҳам халқимизнинг адабиёт ва санъатга бўлган муносабати юқори эканлигини таъкидлаб, ўз ижодидан намуналар ўқиб берди.

***Д.НУРМУҲАМЕДОВА***

# КаДаТа тақдимоти

Самарқанд вилоят ахборот-кутубхона марказида 2011 йил 29 март куни “Кутубхоначилик дастурий таъминоти (КаДаТа) тақдимоти” мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Кун тартибига киритилган масалалар юзасидан АКМ директори Ш.Аҳмедова, “Кутубхоначилик дастурий таъминоти (КаДаТа) тақдимоти” бўйича АКМ ахборот-технологиялари бўлим мудири Р.Амиров, “Каталог карточкаларининг ретроспектив конверсияси”нинг йўриқномаси тўғрисида АКМ бош кутубхоначиси М.Шертоеваларнинг ахборотлари тингланди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Ҳ. Каримованинг “Xabar” газетасининг 25 март 966-сонида “Асосий ҳуқуқий ҳужжат” номи билан чоп этилган мақоласи бўйича соҳа ходимларининг фикр-мулоҳазалари тингланди.

***Маҳбуба КУЛОВА***

## Xalqaro hayot

### АФРИКА ХАРИТАСИДА ЯНГИ ДАВЛАТ

Сомалининг ҳудудий чегарасида Азания номи билан янги давлат пайдо бўлди. Бу ҳақда Associated Press хабар берган.

Азаниянинг ташкил этилгани Кения пойтахти Найробидаги тантанали маросимда эълон қилинди. Кения янги давлатни ташкил этиш ташаббускорларидан биридир. Чунки расмий Найроби фуқаролик уруши исканжасида қолган қўшни давлат чегарасида ўзи учун қалқон вазифасини ўтайдиган ҳудуд бўлишига доимо хайрихоҳлик билан қараб келган.

Апрелнинг учинчи кунида Азаниянинг президенти эълон қилинди – аввал Сомали мудофаа вазири бўлган Муҳаммад Абду Ганди янги давлатни бошқаришга киришди. Найробида йиғилганлар олдида чиқиш қилар экан, Ганди Сомалининг каттагина қисмини назоратига олган "Ал-Шабааб" гуруҳига қарши курашишни мақсад қилганини таъкидлади.

Сомали сўнгги йигирма йилдан буён фуқаролик уруши ҳолатида. Мамлакат бир неча қисмга бўлиниб кетган ва ҳар бири ўз ҳукуматига эга. Халқаро тан олинган Муваққат федерал ҳукумат эса фақат пойтахт Могадишонинг айрим туманларини назорат қилади, холос. Мамлакат жануби ва жануби-ғарби исломий гуруҳлар, асосан, "Ал-Шабааб" қўли остида. Шимолда эса Сомалиленд Республикаси мавжуд. Томонлар ўртасида доимий тарзда қуролли тўқнашувлар бўлиб туради.

### ГЕРМАНИЯДА САНОАТ КЎРГАЗМАСИ

Германиянинг Ганновер шаҳрида "Hannover Messe 2011" Халқаро саноат ярмаркаси очилди. Унда дунёнинг 65 мамлакатидан 6,5 мингдан зиёд фирма ва компаниялар ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этмоқда.

Ярмаркада ишлаб чиқариш жараёнида энергия тежайдиган технологиялар, қайта тикланадиган энергия манбалари ҳамда электромобилларга катта эътибор қаратилмоқда. Ташкилотчиларнинг маълумотига кўра, ярмаркада энергетика, машинасозлик, ахборот технологиялари, транспорт ва логистика, нанотехнологияларга оид беш мингдан ортиқ янги техника ва технологиялар намойиш этилмоқда.

### КУНИГА ТЎРТ МИЛЛИОН ДОЛЛАР

АҚШ Ливиядаги бир кунлик уруш баҳосини ҳисоблаб чиқди.

Ливиядаги бир кунлик ҳарбий амалиёт учун Америка ҳарбий-ҳаво кучлари тўрт миллион доллар сарфлаган. Бу ҳақда АҚШ ҲҲК бошлиғи Майкл Донли маълум қилган. Унинг айтишича, айни дамгача америкаликлар бу урушга тахминан 75 миллион доллар сарф қилган.

"Бу харажатлар ҳужумни авж олдиришга ва 50та артофидаги қирувчи самолётлар, шунингдек, разведка ишларини олиб борадиган ҳамда ёнилғи ташувчи 39та самолёт учун сарфланган, – деган М.Донли. – Агар АҚШ ҳужумларни сусайтирса, харажатлар ҳам камайиши мумкин".

АҚШ, Франция, Британия ва уларнинг иттифоқчилари Ливия ҳарбий объектларини 19 мартдан бомбардимон қилишни бошлаган. НАТО хулосаси бўйича, шу кунгача Муаммар Каддафий ихтиёридаги ҳарбий кучларнинг ўттиз фоизига яқини яксон қилинган.

### ЭНГ БАЛАНД МЕҲМОНХОНА

Сянганда дунёдаги энг баланд меҳмонхона ишга тушди.

Хабарларга кўра, 312 хонадан иборат ушбу бинонинг баландлиги 490 метрга тенг. Шунингдек, меҳмонхона ҳудудида дунёдаги энг баланд бар, энг катта бассейн ва олти ресторан мавжуд.

*Интернет материаллари асосида*
*У.ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади*

# Божхонада АКТ: Озарбайжон тажрибаси

**Ахборот-комуникация технологиялари ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига шиддат билан кириб келмоқда. Уларни самарали ва қулай тарзда фаолиятимизга жорий қилиш ва унумли фойдаланишни йўлга қўйишда хорижий давлатларнинг тажриба ва усулларини ўрганиш катта аҳамият касб этади.**

Таъкидлаш жоизки, Давлат божхона қўмитаси томонидан ҳам божхона расмийлаштируви жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш, бу орқали ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига кенг шароит яратиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, божхона органлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва уларни такомиллаштириш ишларини хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Яқинда Давлт божхона қўмитаси ходимларининг бир гуруҳи Озарбайжон Республикаси пойтахти – Боку шаҳрида бўлиб, мазкур давлат божхона хизматида ахборот технологияларидан фойдаланиш борасида амалга оширилаётган ишлар бўйича тажриба алмашиб қайтишди. Хизмат сафари давомида вакилларимиз Озарбайжон божхона хизматида амалиётда бўлган автоматлаштирилган ахборот тизимлари ҳамда товар ва транспорт воситаларини GSM/GPS технологиялари ёрдамида кузатиш тизими фаолиятига алоҳида эътибор қаратишди.

**Озарбайжонда божхона органлари тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича яхшигина тажриба тўпланган. Бу йўналишда алоҳида эътирофга арзирлик ишларни амалга ошираётган республикамиз божхоначилари эса хорижий давлатлар тажрибасининг ўзимизга мос жиҳатларини соҳага татбиқ этаётирлар.**

### Озарбайжонда ҳам "Ягона ойна" тизими

Озарбайжон Республикаси божхона хизмати "Ягона ойна" тизими 2009 йил 1 январда жорий этилган. "Ягона ойна" Озарбайжон Республикасининг ички ишлар, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, транспорт вазирликлари ҳамда солиқ ва ветеринария хизматлари билан боғланган ҳолда давлат чегарасидаги ўтиш пунктларида товар ва транспорт воситаларининг назоратини амалга оширади.

Транспорт воситаси республика ҳудудига биринчи маротаба кирганда унга махсус код берилади ва у штрих код кўринишида махсус қоғозда чоп этилиб, ҳайдовчига топширилади. Ушбу махсус коддан тизимга маълумот киритишда фойдаланилади. Бунинг учун барча божхона объектлари штрих код ўқувчи махсус қурилмалар билан таъминланган. Шунингдек, чегара божхона постига кириб келаётган транспорт ҳақидаги маълумотни кириш йўлагига ўрнатилган видео камерадан "Ягона ойна" тизимига узатиш жорий қилинган.

Божхона расмийлаштируви ва назорати автоматлаштирилган тизимида божхона юк декларациясини (БЮД) божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислари томонидан интернет тармоғи орқали тўғридан-тўғри киритиш имконияти яратилган. Ушбу тизим бошқа вазирлик ва идоралар тизимига уланган бўлиб, зарур маълумотларни кўчириб олиш мумкин.

### Расмий сайт – қулай дастёр

www.customs.gov.az манзилида жойлашган Озарбайжон Давлат божхона қўмитасининг расмий веб-сайти интерактив шаклда ишлаб чиқилган бўлиб, у божхона соҳасига оид қонун ҳужжатлари, божхона органи ҳақида маълумотлар ва янгиликлар бўйича рукнлар ҳамда интерактив хизматлар бўлимларидан иборат. Веб-сайтда жисмоний шахслар Озарбайжонга келаётган фуқаролар учун зарурий маълумотлар, хусусан яшил ва қизил коридор тизимидан фойдаланиш тартиблари билан танишишлари мумкин.

Товар ва транспорт воситаларини республика ҳудудига олиб кирмоқчи бўлган шахслар учун эса божхона расмийлаштирувига оид қонун ҳужжатлари, товарларнинг ТИФ ТН кодлари, товар ва транспорт воситаларига тўланиши лозим бўлган божхона тўловлари ставкалари берилган. Қизиқарли томони шундаки, транспорт воситасига солинадиган божни мустақил ҳисоблаш имконияти ҳам мавжуд.

Веб-сайтда товар ва транспорт воситалари бўйича олдиндан маълумот тақдим этиш йўлга қўйилган бўлиб, бу божхона расмийлаштирувига сарфланадиган вақтнинг қисқаришини таъминлайди. Бундан ташқари, веб-сайт орқали республиканинг ташқи иқтисодий фаолиятига оид статистик маълумотларни бемалол олиш мумкин. Савол-жавоблар рукнида эса божхона соҳасига доир турли мурожаатларга малакали мутахассислар томонидан жавоблар бериб борилади.

### Автотранспорт воситалари кузатувида GSM/GPS технологиялари

Озарбайжон Республикаси ҳудуди орқали транзит равишда олиб ўтилаётган транспорт воситаларини GSM/GPS технологиялари ёрдамида кузатув тизими пилот лойиҳаси йўлга қўйилган. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун Туркиянинг "Arvento Mobile Systems, Inc" компанияси жалб қилинган. Ушбу тизимда автотранспорт воситаларига "imt.52" қурилмалари магнит ёрдамида ўрнатилади. Агар автотранспорт воситасига ўрнатилган "imt.52" қурилмалари божхона ходими иштирокисиз ечилса, у ҳолда қурилма назорат пунктига "ТРЕВОГА" хабарини жўнатади. Мазкур қурилмаларнинг ишлаш тамойили GPS технологияси ёрдамида амалга оширилади. Яъни, қурилма ўзининг географик картада турган манзилини сунъий йўлдош ёрдамида (узунлик ва кенглик) аниқлайди ва уни уяли телефонга хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг GSM/GPRS хизматлари ёрдамида интернет орқали ҳар 10 сонияда узатиб туради. Узатилаётган маълумотлар "Arvento Mobile Systems, Inc" компаниясига келиб тушади. "AZERCELL" уяли телефон хизматини кўрсатувчи миллий операторининг алоқа каналлари мамлакатнинг барча ҳудудларини қамраб олганлиги сабабли, "imt.52" қурилмаси ҳар 10 сонияда узлуксиз маълумот узатиш имкониятига эга. Бу эса, ўз навбатида, республика орқали транзит ҳаракатланаётган автотранспорт воситаси жойлашуви бўйича аниқ маълумотга эга бўлиш ва транзит юкларни мамлакат ҳудудида қолиб кетишининг олдини олишга хизмат қилади.

Кўриниб турибдики, Озарбайжонда божхона органлари тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича яхшигина тажриба тўпланган. Бу йўналишда алоҳида эътирофга арзирлик ишларни амалга ошираётган республикамиз божхоначилари эса хорижий давлатлар тажрибасининг ўзимизга мос жиҳатларини соҳага татбиқ этаётирлар.

*Давлат божхона қўмитаси*
*матбуот хизмати*





# Ҳар кимнинг ўз ўрни бўлсин ҳаётда

*(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)*

Аввало шуни айтиш керакки, битирувчилар билан яқин алоқада бўлиш, уларнинг амалиёт ўташлари учун етарли шароит яратиш, устоз-шогирдликдек қадимий анъаналаримиздан унумли фойдаланиш борасида "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиалида катта тажриба тўпланган. Ўзларига малакали ўринбосарлар тайёрлаш муҳим вазифа эканлигини чуқур англаган филиал раҳбарияти Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда алоқа касб-ҳунар коллежи талабаларининг амалиёт ўташлари учун яхши шароит яратиб бериш билан бирга, диплом иши танлашларига, ёзишларига яқиндан ёрдам беришади. Амалиёт даврида сараланганлар эса кейинчалик ишга қабул қилинадилар.

— Ёшлар эртанги кунимиз эгалари, — дейди филиал умумий бўлими мудири Фахриддин Камолиддинов. — Бизнинг ўрнимизни эгаллаб, бошлаган кенг миқёсли ишларимизни давом эттириш бугун мактаблар, коллеж ва олий ўқув юртларида таълим олаётган ёшларимиз зиммасига юклатилади. Улар билимли, қизиқувчан ва укувли бўлсаларгина зиммаларидаги вазифани уддалаб кета оладилар. Касбни пухта эгаллашларида уларнинг амалиётларини қай даражада ўтишлари муҳим рол ўйнайди. Шуни ҳисобга олиб, биз алоқа соҳасига мутахассислар тайёрлаб берувчи билим даргоҳлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Масалан, Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежини олайлик. Ҳар йили талабалар амалиёти бошланиши олдидан мазкур коллеж раҳбарлари корхонамизга келиб, бажариладиган ишларни режалаштириб оладилар. Бу йил ҳам шундай бўлди.

Талабаларнинг амалиётлари бошланиши олдидан коллеж директори М.Зоҳидов, директор ўринбосари А.Фёдоров ҳамда амалиёт катта устаси Н.Нажимхўжаевалар корхонамизга ташриф буюришди ҳамда "Устоз-шогирд" йўналиши бўйича икки томонлама келишилган иш режаси белгиланди. Айни пайтда ана шу режа асосида иш олиб борилмоқда.

Дарҳақиқат, филиалда "Устоз-шогирд" йўналиши бўйича мутахассис ходимлар жалб этилган ҳолда ҳар ҳафтанинг чоршанбаси "Касб-ҳунар коллежлари куни" деб эълон қилинди. Жумладан, Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежида ҳам талабалар билан ўтказиладиган учрашув режаси тасдиқланиб, тадбирлар ана шу режа асосида олиб борилмоқда.

Ўтказилаётган бундай учрашувлар талабаларнинг танлаган касбига бўлган қизиқишлари ортишига сабаб бўляпти. Масалан, шу йилнинг март ойи бошларида бўлиб ўтган учрашувда "ТШТТ" филиали Янгиобод телефон боғламаси бошлиғи Қўчқор Норчаев, "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК техника ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Баҳром Раҳимов, "Тошкент почтамти" филиали ходимлар бўлими бошлиғи Галина Павловскаялар иштирок этишди ва ўз корхоналарида олиб борилаётган ишлар, келгуси режалар ҳақида маълумотлар беришди. Мавжуд режа асосида талабалар корхоналарга келиб, ўз мутахассисликлари бўйича олган билимларини тажрибали ходимлар устозлигида янада оширишлари мумкинлиги ҳақида гапиришди.

**Филиалда "Устоз-шогирд" йўналиши бўйича мутахассис ходимлар жалб этилган ҳолда ҳар ҳафтанинг чоршанбаси "Касб-ҳунар коллежлари куни" деб эълон қилинган.**

— Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган 151та алоқа бўлимида коллежлар ўқувчилари амалиёт ўташмоқда, - деди Галина Павловская. — Алоқа бўлимлари бошлиқлари уларга устозлик қилишяпти. "Устоз-шогирд" йўналиши бўйича ўрнатилган ҳамкорлик яхши натижалар беришига ишонаман.

Алоқа касб-ҳунар коллежида шу йилнинг 23 мартида ўтказилган учрашувда "ТШТТ" филиали мутахассисларидан ташқари, талабаларнинг ота-оналари ҳам иштирок этишди.

Йиғилишда сўзга чиққан Фахриддин Камолиддинов "ТШТТ" филиалининг аҳолига телекоммуникация хизматларини кўрсатишдаги аҳамияти, шунингдек, ҳар бир инсон ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиши лозимлиги, бунинг учун ёшларимиз қизиқишларига қараб тўғри касб танлай билишлари кераклиги, бу эса уларнинг амалиётлари давомида билиниши ҳақида гапирди.

Талабалар ҳамда уларнинг ота-оналари ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб олишди.

Жорий йилнинг 30 мартида ўтказилган учрашувда эса филиал ходимлар бўлими бошлиғи Матлуба Насриддинова иштирок этиб, талабалар амалиёт чоғида нималарга эътибор беришлари лозимлиги ҳақида сўзлади.

— Коллежда устозлар томонидан берилаётган билимни мустаҳкамлашда амалиёт даврининг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади, — деди М.Насриддинова. — Бундай натижага эришиш учун эса чиройли муомала, астойдил ҳаракат зарур. Кимки ишга совуққонлик билан муносабатда бўлдими, демак, у ютқазибди, деяверинг. Айниқса, қимматбаҳо техникага муносабатда ўта эҳтиёткорлик, синчковлик зарур. Шуни унутмангки, соҳага қизиқиши кучли бўлган, қўлидан иш келадиган одам ҳеч қачон ишсиз қолмайди.

Дарҳақиқат, ёшларимизнинг пухта билим олишлари, ўқиб, ҳунар эгаллашлари учун барча шароитлар яратилган бугунги кунда танлаган соҳасининг билимдон мутахассиси бўлиш талабанинг ўзига ҳам бевосита боғлиқ. Бу ҳақда амалиётчи талаба Камола Мирзакаримова тўлқинланиб гапирди.

— Мана иккинчи йилдирки, Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежининг узатиш тизимларини ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш йўналиши бўйича таълим оляпман, — деди Камола. — Илгари талабаларимиз учинчи босқичдан бошлаб ишлаб чиқариш амалиётида бўлишарди. Ҳозир эса бу иш иккинчи босқичдан бошланяпти. Бу биз учун янада кўпроқ қулайлик туғдиради. Биз бир йил олдин билим даргоҳида назарий жиҳатдан ўрганганларимизни амалиётда ўз кўзимиз билан кўриб, ишлаш жараёнини кузатамиз. Бошқача қилиб айтганда, аҳолига алоқа хизмати кўрсатиш учун хизмат қилаётган мураккаб техникаларни ишлатишни билиб оламиз. Мен яқинда дўстларим билан Янгиобод телефон боғламасида амалиётда бўлдим. Боғлама бошлиғи бизни самимий кутиб олди ва мураккаб техникалар билан қандай ишлаш кераклигини эринмай тушунтирди. Саволларимизга батафсил жавоб берди. У ерда ишловчи ходимлар меҳнатини кўриб, жуда қизиқарли ва одамларга кўпроқ фойда келтириш мумкин бўлган касбни танлаганимдан қувондим. Амалиёт ўташимиз учун барча шароитни яратиб бераётган "ТШТТ" филиали раҳбарларига миннатдорчилик билдираман, келгусида коллеждаги устозларим ва боғламадаги мураббийларим ишончини оқлаб, алоқа соҳасининг етук мутахассиси бўлишга ҳаракат қиламан.

Ҳа, ҳаёт давом этаверади. Ёшларимиз ҳам умр довонларини бирма-бир босиб ўтиб, ўз ўринларини эгаллайверадилар. Бу борада устоз ва мураббийлар ҳиссаси ҳам ортиб бораверади.

*Муборак* **МИРКАМОЛОВА**

# Обсуждены итоги квартала

**В Кабинете Министров Республики Узбекистан состоялось заседание Комплекса по вопросам образования, здравоохранения, социальной защиты, информационных систем и телекоммуникаций, посвященное итогам социально-экономического развития в первом квартале 2011 года.**

На заседании обсуждены результаты проведенной работы в министерствах и ведомствах Комплекса в свете исполнения задач, определенных Президентом Республики Узбекистан на заседании Кабинета Министров Республики Узбекистан, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2010 году и важнейшим приоритетам экономической программы на 2011 год.

В первом квартале текущего года по Комплексу произведено продукции и оказано услуг в общей сложности на 712,9 миллиарда сумов. Рост составил 119,6 процента по сравнению с аналогичным периодом минувшего года. Населению оказано услуг на 309,8 миллиарда сумов (109,5 процента). По проектам, включенным в инвестиционную программу, освоено 36,9 миллиона долларов США, прогнозные показатели квартала выполнены на 155,8 процента.

На заседании рассмотрены проводимые работы по обеспечению занятости выпускников профессиональных колледжей по освоенной ими специальности, улучшению оказания интерактивных государственных услуг с широким использованием информационно-коммуникационных технологий в рамках реализации задач Государственной программы "Год малого бизнеса и частного предпринимательства", обеспечению полиграфическими предприятиями темпов роста, намеченных на 2011 год, расширению перспектив частного предпринимательства в развитии фармацевтической отрасли, осуществлению мероприятий в сфере детского спорта в соответствии с определенными главой нашего государства требованиями, восстановлению и организации детских площадок в махаллях, районах и микрорайонах, расширению масштабов массового привлечения молодежи к спорту, эффективной эксплуатации спортивных сооружений, укомплектованию их высококвалифицированными кадрами и наставниками.

На заседании намечены дополнительные меры по неукоснительному исполнению министерствами и ведомствами Комплекса приоритетных задач на 2011 год, приняты соответствующие решения.

## Запущена услуга резервного копирования данных BACKUP.UZ

Центр UZINFOCOM объявляет о запуске услуги резервного копирования данных Backup.uz. Проект Backup.uz является системой предоставления дискового пространства для хранения информации с возможностью оперативного восстановления данных. Важным условием при организации безопасности резервируемых данных является территориальная удаленность места, куда производится резервирование, что и обеспечивается при пользовании услугой Backup.uz.

Удаленное резервирование данных позволяет осуществлять восстановление важной информации после аварий, освобождает дисковое пространство пользователей благодаря созданию внешних версий электронных данных, снижает риски и затраты организаций за счет отсутствия необходимости закупки дорогостоящего программно-аппаратного обеспечения для резервирования и архивации данных. Данная услуга также снижает нагрузки на собственное ИТ-подразделение организаций и нагрузки на бюджет.

Услуги по резервному копированию данных востребованы пользователями, для которых сохранность данных является критически важным фактором. Это юридические и физические лица, не имеющие возможности для развертывания собственной системы удаленного резервного хранения данных.

Процесс резервирования данных в проекте Backup.uz может осуществляться автоматически, средствами различного программного обеспечения или вручную. При этом доступ к системе организовывается с помощью стандартных протоколов обмена файлами – FTP и SFTP, что обеспечивает совместимость с большинством клиентского программного обеспечения для резервного копирования данных. Доступ к хранилищу данных осуществляется по каналам связи провайдеров по сети TAS-IX.

Услуга Backup.uz запущена на базе Датацентра UZINFOCOM – надежной технологичной площадки для размещения информационно-коммуникационной инфраструктуры. Техническое обслуживание услуги осуществляется специалистами Центра UZINFOCOM. Доступ к серверам резервирования из международного канала сети Интернет полностью закрыт, при этом предоставляется высокоскоростной доступ к сервису по сети TAS-IX.

Ознакомиться с тарифными планами на услугу можно на сайте Backup.uz. Услуга оказывается как физическим, так и юридическим лицам. Для физических лиц возможны различные способы оплаты – интерактивный (через электронную платёжную систему WEBSUM), наличными средствами и по пластиковой карточке.

Обсудить новую услугу, задать интересующий вопрос, а также сказать своё мнение о данной услуге можно на объединённом форумной площадке uForum.uz в специальной теме.

## Розыгрыш призов среди пользователей ID.UZ

**Администрация Системы единой авторизации ID.UZ объявляет о запуске серии розыгрышей среди своих пользователей.**

В розыгрыше могут участвовать только пользователи со статусом Real ID. Если Вы еще не успели зарегистрироваться на ID.UZ и получить данный статус, поторопитесь, ведь подарок может ждать именно Вас.

Что представляет собой статус Real ID и как его получить, Вы можете узнать здесь и здесь.

Розыгрыш будет проводиться ежемесячно. Для определения победителей Администрация ID.UZ в каждый месяц будет публиковать список участников розыгрыша, с присвоением каждому уникального идентификационного номера. И в заранее указанный день с независимого от администрации ID.UZ новостного сайта www.cnews.ru из разделов «Телеком», «Интеграция» и «Интернет» будут выбираться первые новости за этот день (после 00:00 часов). Время выхода каждой новости послужит основой для розыгрыша среди участников. Трое выигравших пользователей получат призы от администрации ID.UZ.

## Российской доменной **зоне .ru исполняется 17 лет**




Крупнейшему национальному домену России .RU 17 лет. 7 апреля 1994 года состоялся запуск первой российской доменной зоны .RU, с тех пор 7 апреля считается Днем рождения российского сегмента Всемирной сети – Рунета. К своему семнадцатилетию домен .RU успел преодолеть рубеж в 3 000 000 зарегистрированных имен и войти в ТОП-10 крупнейших национальных зон мира.

На сегодняшний день домен .RU занимает шестое место по количеству зарегистрированных доменов среди всех национальных зон мира, его опережают только .DE (Германия), .UK (Великобритания), .CN (Китай), .NL (Нидерланды) и .EU (Европейский союз).



## Ларри Пейдж вступил **в должность главы Google**

4 апреля Ларри Пейдж официально занял пост гендиректора Google, которую до этого занимал Эрик Шмидт.

«Сейчас Ларри будет возглавлять разработку продукции и технологическую стратегию — это его главные сильные стороны, – сказал Шмидт. – Я уверен, что в этой новой роли он отлично справится с задачей объединения технологий Google со своим видением бизнеса».

## Apple покупает системы хранения данных **общим объемом 12 петабайт**



Компания Apple расширяет возможности своей аппаратной инфраструктуры, поддерживающей работу сервиса iTunes. Накануне Apple заказала у компании Isilon Systems поставку аппаратных систем хранения данных на 12 петабайт. Источники в компании говорят, что данные системы будут использованы для хранения цифрового видео, доступного через iTunes.




## Toyota – Microsoft: **автомобильные телематические сервисы**

Microsoft и Toyota анонсировали программу стратегического партнерства, в рамках которого планируется создать глобальную платформу для телематических автомобильных сервисов нового поколения, работающих на базе облачной платформы Windows Azure. Телематика будет объединять в себе различные коммуникационные и информационные технологии. Она может включать в себя систему навигации, управления энергоснабжением и мультимедийными технологиями.

ZARRABIN

# “Ёрқин чўққи”га элтувчи тола

Интернет тармоғи оптик толали кабеллардан ташкил топганини яхши биламиз. Яна шу нарса аниқланганки, фотонлар байтли маълумотларни электронлардан тезроқ узатади. Тармоқнинг кўнгилдагидек фаолият кўрсатишида аввало кабел толаси ва фотонлар катта рол ўйнайди. Узатилаётган ахборот ишончлилиги қайсидир маънода кабелнинг нималардан ташкил топганига бевосита боғлиқ. Ваҳоланки, қисқа масофаларга маълумотни мис кабелларда етказиш ҳамон долзарблигини йўқотган эмас: ҳам арзон, ҳам хизмат кўрсатиш осон. Хўш, муқобил таклифлар борми? Бу саволга Intel компанияси ижобий ечими билан жавоб қайтарди.

Сан-Францискода Intel мутахассислари учун ўтказилган халқаро форумда компания янги турдаги оптик кабел чиқаришини маълум қилди. Мис кабеллар ўрнини эгаллаши кутилаётган бу оптик кабеллар янада арзон бўлиб, ноутбук, қаттиқ диск, телефон ёки уйдаги компютерни улашда қўлланилади.

“Ёрқин чўққи” (ингл. Light Peak) деб номланаётган бу кабел 1 сонияда 10 гигабайтгача маълумотни бир қурилмадан бошқасига етказа олади. Буни Blu-ray видеоплеердаги филм намойишига тенглаштириш мумкин.



Light Peak кабелининг якка толаси турли тоифадаги маълумотларни бирваракайига узата олади, демак, дискнинг резерв нусхасини ҳам яратиш, қолаверса, шу пайтнинг ўзида ўта юқори тиниқликдаги видеони узатиш имкониятлари мавжуд. Light Peak кабелининг ҳар икки учида маълумотларни кодловчи қурилмалар (электрон чиплар) ўрнатилади, улар маълумотларни манзилига жўнатиш учун ўзига хос саралаш ўтказади. Шунингдек, бу чиплар ёки микросхемалар кирувчи сигналларни кучайтиришга хизмат қилади.

“Бир қарашда бу кабеллар юқори технологияларга эга эмасдек кўриниши мумкин, — дейди Жанубий Калифорния университетининг профессори Алан Виллнер. — Бироқ кремний фотоникаси бозори жуда улкан ва истиқболли. Бу кабеллар жуда юқори ўтказувчанлиги билан мени лол қолдирди. Вақти келиб, фойдаланувчилар бу кабеллар арзон ва қулайлигига ўзлари ҳам ишонч ҳосил қилишади. Ҳеч муболағасиз, буни ҳақиқий кашфиёт дейиш мумкин”.

“Бизнинг оптик технологиямиз асосий платформа учун мўлжалланган, — дея таъкидлайди Intelнинг Photonics лабораторияси директори Марио Паниция. — Ҳозир маълумот узатиш тезлигини 10 Гбит/сония, кейинчалик 100 гигабайтгача етказиш устида изланишдамиз”.

Light Peak кабелини 100 метргача етказиш мумкин экан, ҳар ҳолда Intel муҳандисларининг бунга ишончи комил.

QURILMALAR

## Монитор **USB-портдан қувватланади**

Toshiba компанияси Mobile Monitor деб номланган 14 дюймли янги туркум дисплейларини ишлаб чиқарди. Унинг одатдагиларидан ягона фарқи компютернинг USB-олишидир энергия олишидир. Шунингдек, тармоқдан қувватланиш имкониятлари ҳам ўрганиляпти.

Монитор дисплейи тасвир ўлчамлари — 1366x768, қалинлиги — 2,54 сантиметр, оғирлиги — 1,27 килограммни ташкил этади.

TEXNOLOGIYALAR

## **100 Гигабайтлик** диск

Panasonic компанияси маълумотларни кўп маротаба ёзишга мўлжалланган BDXL (BD-RE XL) шаклдаги биринчи оптик сақлагич (диск) тақдимотини ўтказди.

LM-BE100J BDXL туркумига мансуб бу диск уч қатламли бўлиб, 100 гигабайтгача маълумотни сиғдира олади. Масалан, 1920x1080 пиксел ва 24 Мбит/с. битрейт кўрсаткичларига эга ўта юқори сифатли 8 соат 40 дақиқалик видео шундай салмоққа эга.

JINOYAT VA JAZO



## Дастурчи **саккиз йилга** қамалди

АҚШнинг Goldman Sachs инвестиция банкининг собиқ юқори мартабали ахборот технологиялари мутахассиси Сергей Алейников суд ҳукми билан саккиз йилга озодликдан маҳрум этилди. У АҚШ фонд бозорларида автоматлашган савдоларда қўлланувчи банк дастурий таъминоти чиқувчи кодларини ўзлаштиришда айбдор деб топилган.

АҚШ ва Россия фуқаролигига эга С.Алейников 2009 йил июл ойида ФБР томонидан ҳибсга олинганди. Айбини бўйнига олган 41 ёшли дастурчи қилмишидан пушаймонлигини билдирган.

INTERNET

## Googleнинг **интернет шаҳри**




Google компанияси бир йил давомида олиб борилган ўрганишлардан сўнг ўта юқори тезликдаги шаҳар интернет тармоғини Канзас-Сити (АҚШ)да барпо этишини билдирди. Маълум қилинишича, бу ерда маълумотлар бошқа тармоқлардагига қараганда 100 баравар тез узатилади.




## **Мобил** Facebook

Бир ой ичида мобил телефон орқали Facebook ижтимоий тармоғидан фойдаланувчилар сони 250 миллионтага етган. Йиллик ўсиш эса бир ярим баравар бўлиб, 2010 йил февралидаги маълумотга кўра, 100 миллиондан ортиқ фойдаланувчи телефон орқали ижтимоий тармоққа ташриф буюрган.

BIZNES

## **Sony – Apple:** ҳамкорлик кенгаяди




Sony корпорацияси Appleни камералар билан таъминлайди. Sony раҳбари Говард Стрингер журналистлар билан суҳбатда буни айтиб ўтди.

Япон камералари iPhone 5 смартфонларига ўрнатилиши кутиляпти. Бироқ Япониядаги зилзила оқибатлари камера ва матрицалар таъминотига салбий таъсирини кўрсатиши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас.

## **Патент учун** 900 миллион доллар

Google корпорацияси Nortel компаниясининг патентларини сотиб олмоқчи. Интернет-компания 6000та патентни қўлга киритиш учун 900 миллион доллар сарфлашга шай.

Ўз навбатида, Nortel кимошди савдосини ўтказишини ва унда бошқа компаниялар ҳам қатнашиши мумкинлигини маълум қилди.

*Саҳифани Собит АҲАДОВ тайёрлади*

**Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг навбатдан ташқари II Пленуми бўлиб ўтди. Йиғилиш иштирокчилари дастлаб Пленум ишчи раёсати ва котибиятга тавсия қилинганлар номзодларини ҳамда иш регламентини тасдиқлаб олишди. Шундан сўнг пленум кун тартибидаги масала юзасидан Алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раиси Т.Тешабоев маъруза қилди.**

# Касаба уюшмаларининг фаоллиги зарур





Маърузачи Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзуидаги ва 2011 йил 21 январда ўтказилган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузалари, шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг V Қурултойи қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда касаба уюшмаларининг ўрни тўғрисида батафсил сўз юритди. Хусусан, у Президентимизнинг "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзусидаги маърузасида демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг асосий устувор йўналишлари белгилаб берилганлигини таъкидлаб, бу борада касаба уюшмаларининг вазифаларига тўхталди.

Концепцияда давлатимиз раҳбари томонидан киритилаётган таклифлар давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини кўзда тутади. Вазирлар Маҳкамасига мамлакат иқтисодиёти ҳамда ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни амалга ошириш ваколати берилган. Мазкур йўналишда алоқа ходимлари касаба уюшмаси соҳанинг давлат бошқарув органи ҳисобланган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда. Лекин, бугун шу ҳамкорлик қай даражада йўлга қўйилган, унинг самараси қандай бўляпти, деган савол туғилади. Ушбу масалага танқидий ёндашиладиган бўлса, касаба уюшмалари фаолиятида айрим муаммолар ва камчиликлар мавжуд. Маълумки, тармоқ касаба уюшмаси ва Агентлик, компания ва жамиятлар ўртасидаги ҳамкорлик Тармоқ ва Тариф келишувлари доирасида олиб борилади. Касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида мустаҳкам ижтимоий шерикчилик ва самарали алоқалар ўрнатилмас экан, ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш масаласидаги муаммоларни ҳал этиш қийин кечади. Бу муаммоларни бартараф этиш учун тармоқ ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясига оид муаммоларни муҳокама этиб бориш ҳамда уларни бартараф этиш йўлларини белгилаб олиш мақсадида касаба уюшмалари Марказий кенгаши ва Агентлик компания, жамиятлар ва корхоналари раҳбарлари билан бир ойда бир маротаба муҳокамалар ўтказиш амалиётини жорий этиш лозим. Ходимларнинг ижтимоий муҳофазаси ва меҳнат фаолияти билан боғлиқ муҳим қарорларни касаба уюшмаларининг юқори сайлаб қўйиладиган органлари ва Агентлик, компания, жамиятларнинг коллегиал органлари мажлисларида алоҳида-алоҳида эмас, балки уларнинг қўшма мажлисларида муҳокама этилиши ҳамда қабул қилинишини йўлга қўйиш керак. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг малакали ва тажрибали мутахассислари иштирокида ҳар ойда касаба уюшмаси кунида ўқув машғулотларини ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жорий йилнинг 28 февралида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ўртасида 2011-2013 йилларга мўлжалланган Бош келишуви имзоланди. Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган мазкур ҳужжатнинг қоида ва меъёрлари 2012-2014 йилларга мўлжалланган Тармоқ келишувида ўз ифодасини топиши лозим.

Концепциянинг "Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш" деб номланган бўлимида бир қатор устувор йўналишлар белгиланганки, улар касаба уюшмалари фаолиятига ҳам бевосита тегишлидир. Кундалик ҳаётимизда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимояси, айниқса, ноқонуний тарзда ишдан бўшатиш, бошқа ишга ўтказиш, иш ҳақини ўз вақтида тўламаслик каби ҳолатлар учраб туради. Хўш, бу йўналишда қандай ишларни амалга ошириш лозим?

Авваламбор, жойларда ходимларга нисбатан меҳнат, бандлик, меҳнат муҳофазаси ва бошқа қонунлар талаблари бузилиши ҳолатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш масалаларида иш берувчилар билан биргаликда тегишли чораларни кўриш зарур. Ушбу йўналишдаги масала кўрилаётган касаба уюшмалари органлари мажлисларига давлат меҳнат инспекторлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакилларини таклиф этиш керак. Шунингдек, касаба уюшмалари томонидан аъзоларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасини ошириш борасида олиб борилаётган ишларни тубдан яхшилаш чораларини кўриш зарур.

Жойларда фаолият юритаётган касаба уюшмалари фаолларидан тузилган меҳнат муносабатлари бўйича комиссияларнинг ишини кучайтириш керак. Шунингдек, касаба уюшмалари органларини фаолиятлари билан боғлиқ амалдаги қонунлар, юридик адабиётлар ва норматив ҳужжатлар билан мунтазам равишда таъминлаб бориш зарур. Бугунги кунда касаба уюшмалари органларини зарур ташкилий техника билан, барча даражадаги касаба уюшмалари органларини интернет тармоғига уланишини таъминлаш муаммолари мавжуд. Айрим ҳолатларда ташкилий техника мавжуд бўлган тақдирда ҳам улардан тўлиқ ёки самарали фойдаланилмайди.

Шу боис ҳам Марказий кенгашнинг веб-сайтига касаба уюшмалари фаолиятига оид маълумотларни мунтазам равишда жойлаштириб бориш лозим. Соҳа нашри — "Xabar" газетаси ва касаба уюшмаларининг нашрлари саҳифаларида, маҳаллий радио ва телевидение дастурларида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Марказий кенгаш томонидан ўтказиладиган тадбирларни кенгроқ ёритиб бориш зарур. Бунда вилоят бирлашган касаба уюшмаси қўмиталари оммавий ахборот воситалари билан биргаликда режа ишлаб чиқишлари лозим. Барча бўғиндаги касаба уюшмалари органлари ўртасида ҳужжат айирбошлашда электрон тизим имкониятларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш, бунинг учун мутахассисларни жалб этган ҳолда касаба уюшмалари органлари ходимларининг мазкур масалага бағишланган ўқувларини ўтказиш жадвалларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, локал тармоқлардан унумли фойдаланиш зарур.

Касаба уюшмаларининг жамоат назоратини олиб бориш, ижтимоий шерикликни кучайтириш, нодавлат сектор корхоналари билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мазкур сектор ходимларини касаба уюшмасига жалб этиш борасидаги муаммоларни ҳал этишда Концепцияда билдирилган таклифлар касаба уюшмаларига кенг имкониятлар очиб беради.

Мамлакатимизда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили Давлат дастури" асосида Федерация ва Марказий кенгашнинг дастурлари ишлаб чиқилди. Касаба уюшмалари дастурида кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий, услубий ёрдам кўлами бир мунча кенгайтирилди. Эндиликда Дастурда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан доимий мониторинг ўрнатилиши зарур. Нодавлат секторга мансуб корхона, ташкилотларда касаба уюшмасига аъзолик афзалликларини тарғиб этиш бўйича тушунтириш ишларининг замонавий ва самарали услубларини қўллаш керак.

Пленумда Сирдарё вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси У.Таниқулов, ОАТ "Алоқабанк" касаба уюшмаси қўмитаси раиси Р.Сахапова, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Жиззах филиали цех касаба уюшмаси қўмитаси раиси Н.Қосимова, Бухоро вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси О.Шукурлаева, "Фарғона Телеком" филиали цех касаба уюшмаси қўмитаси раиси М.Жумабоевалар ҳам сўзга чиқишиб, йиғилиш кун тартибидаги масалалар юзасидан ўз фикрлари ва таклифларини билдиришди. Йиғилишда, шунингдек, кадрлар билан ишлаш ва ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ҳимоя масалалари, меҳнат муҳофазаси ва ҳуқуқий, маданият-маърифат, жисмоний тарбия ва спорт, хотин-қизлар ва ёшлар муаммолари, молиявий интизом ва соғломлаштириш масалалари бўйича доимий фаолият юритувчи комиссияларнинг таркиби тасдиқлаб олинди.

Марказий кенгашнинг навбатдан ташқари пленумида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Ишанходжаев, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши бўлим мудири М.Исаевлар иштирок этишди ва улар бугунги кунда соҳа касаба уюшмалари олдида турган муҳим вазифаларга атрофлича тўхталишди.

***Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ***

# Яхшилар ардоғида

**Норкўзи акадан ўтган умр сабокларидан сўраб колсангиз, албатта, устозлар ўгитидан сўз очади. Дунёда энг кимматбахо хадя бу устозлар берган насихат экан. Икки оғиз сўз хам инсоннинг хаёт йўлини дадил бошлашига туртки бўлар экан. Айникса, ёнингда жондан азиз кишиларинг – ота-онанг бўлмаса. Онаси хаётдан кўз юмганида, у саккиз ёшда эди. Кўп ўтмасдан отаси хам боқий дунёга сафар килди. Нўъмонжон укаси Норкўзи ва сингилларига караб юрак бағри эзилиб кетарди. Яхшиямки, яхшилар бор. Ташлаб кўйишмади.**

— Колхоз коммутаторлигига укангни жойлаб қўй. Чайир бола. Эплаб кетади.

Нўъмонжон колхозда радиотехник бўлиб ишларди. Туман алоқа бўлими бошлиғи Илёс Бекиров ҳузурига укасини бошлаб борди. Илёс ака жуда зийрак ва меҳрибон раҳбар эди. Бир кўришдаёқ Норкўзи унга маъқул бўлди.

— Аканг сидқидил ишлайди. Сен ҳам унга ўхшаб ишингга маҳкам бўл. Ўқи, ўрган, билмаган нарсаларингни сўрашдан тортинма. Айниқса, одамлар билан муомалангни хуш, ёқимли қилсанг — сира қоқилмайсан, — дея оқ фотиҳа берди.

Коммутатор бўлиб ишга киришганида ҳали ўн бешга тўлмаган бола эди. Дастлабки йил осон кечмади. Акаси — севимли устози ёрдам беришдан толмади. Бўш келадиган анойи ҳам йўқда! Акс ҳолда ишсиз қолади. Барига чидади. Одамлар эътиборига тушди.

Ҳалол меҳнатлари туфайли оила ҳаёти ўнгланди. Чиндан ҳам устозлар йўл-йўриғи, одамлар дуоси боис барака топди.

Устозлар ҳақида гап кетганда, улуғ ёшдагилар Фаяс Файзиевни нодир раҳбар, ажойиб инсон бўлганидан оғзидан бол томиб сўйлайдилар. Норкўзи ака ҳам бу беназир инсонни кўп эслайди. Сабаби, ўзи ҳам раҳматлининг одамлар меҳрини бежиз қозонмаганлигига гувоҳ бўлган.

— Шоҳимардонда "Алоқачи" болалар оромгоҳи қурилаётган эди, — дейди Норкўзи ака. — Биз ҳам ошхона қурилишига борганмиз. Ўшанда икки кун ишлаганимиздан кейин Фаяс ака келиб қолди. Мириқиб суҳбатидан баҳраманд бўлдик, сўнг шундай деди:

— Учкўприклик йигитлар, биз сизларни фақат меҳнатга чақирганимиз йўқ. Бу бир баҳона. Шоҳимардонни азизда ҳордиқларинг чиқсин, деганмиз. Азонда соат 5 да ишни бошланг. Нонуштани 9да қилинг, сўнг икки-уч соатга тоққа чиқинглар. Ана ўшанда ғайрат нима, ҳордиқ нима биласизлар.

Эртаси худди шундай қилдик.

Тоғ ҳавосидан вужудимиз яйраб, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшилди. Шундай қилиб, ўн кунлик ишни бир ҳафтада якунладик. Лекин у бизга Учкўприкка қайтишга рухсат бермади:

— Сизлар яна тўрт-беш кунга қоласизлар. Мароқ билан дам олсангиз мароқ билан ишлайсизлар.

Шунақа, Шоҳимардонда ўтган кунлар хотирамизда ўчмас из қолдирган. Тез-тез шамоллаб турадиганларимиз ҳам дардлардан мутлақо фориғ бўлиб келганмиз.

Ҳа, бу дунёни яхши инсонлар тутиб турадилар, деганлари рост. Бунга қаҳрамонимиз умри давомида кўп бора ишонч ҳосил қилган. Шукрки, адашмади, яхшиларга ёндашди. Ўзи ҳам нафақат ўзиникиларга, балки ўзгаларга ҳам меҳр кўрсатишдан чарчамади. Яхшиликнинг мукофоти Аллоҳ қўллаб-қувватлади. Меҳр-шафқат маликаси — Одинахонга йўлиқтиргани, тақдирларини бир қилгани ҳам шундан бўлса не ажаб! Ахир, уйда ҳамшира бўлса яхши экан, касал нима, кусал нима — билмас экансан. Қимматбаҳо дориларсиз тузалиб қолаверарkансан.

Уларнинг оиласидан касалликлар бир чақирим наридан юради, деса асло муболаға бўлмайди.

Норкўзи ака минг бора ҳақ. Меҳр бор жойга кўнгилсизликлар яқин йўлай олмайди. Улар тўрт фарзандни меҳр-муҳаббатли, касб-ҳунарли қилиб элга қўшганлари билан ҳам фахрлансалар арзийди.

Қирқ йиллик алоқачи электромонтёр Норкўзи ака Султонов бугун 60 ёшни ёруғ юз билан нишонламоқда.

Юбилей муборак, Норкўзи ака! Фарзандлар камолини кўринг.

*Ҳафиза САЛЯҲОВА,*
*"Xabar"нинг Фарғона вилоятидаги мухбири*



# Меҳр-мурувват кунда керак

**Ҳар йили Тошкент радиотелевизион узатиш маркази Наврўз байрами муносабати билан кемтик калбларга байрам кайфияти, шодлик улашиш максадида хайрли тадбир ўтказади. Жамоамиз бу йил ҳам ушбу анъанани давом эттириш ҳамда "Биз бефарк эмасмиз!" дастурига ўз хиссамизни кўшиш максадида 120 нафар ногирон учун байрам дастурхони ташкил килди.**

Тошкент телеминорасининг "Коинот" ресторанида ўтказилган мазкур тадбирда марказ директори Ҳ.Холмуҳамедов меҳр-мурувват кўрсатиш азалий қадриятларимиз эканлигини таъкидлаб, бу борада юртимизда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилаётгани ҳақида гапирди ҳамда бу ерга йиғилганларни Наврўз билан табриклади. Корхонамиз томонидан Ўзбекистон Ногиронлар жамиятининг Тошкент шаҳар Юнусобод тумани бўлимига совғалар топширилди. Тадбир иштирокчилари тансиқ таомлар билан сийланди ҳамда улар учун концерт дастури намойиш этилди.

*Мавжуда СУЛТОНОВА,*
*"Коинот" ресторани директори*

SOHIBQIRON TAVALLUDINING 675 YILLIGI

# Етти иклим султони

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2007 йил 24 октябрдаги 01-8/3127-сонли қарорига асосан Жанубий операцион йўналиш тасарруфидаги ҳарбий қисм муассасалар кутубхоналари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Унга кўра, Адиб Собир Термизий номидаги Сурхондарё вилояти ахборот-кутубхона маркази вилоят Жанубий операцион йўналиш тасарруфидаги ҳарбий қисм муассасалар кутубхоналар билан ҳамкорликни ташкиллаштириш режаси ишлаб чиқилган бўлиб, шу режа асосида ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Жумладан, 6 апрел куни Термиз гарнизони офицерлар уйида Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 675 йиллигига бағишлаб китобхонлар конференцияси ўтказилди. Тадбирни Термиз гарнизони офицерлар уйи бошлиғи майор Б.Хўжаёров очиб берди. Анжуманда "Амир Темур" жамғармаси мутахассислари, тарихчи ўқитувчилар иштирок этишди. Тадбирда Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти, ҳарбий юришлари, улардан кўзлаган мақсад, уларнинг натижалари, ҳарбий истеъдоди, фан ва маданиятга мислсиз ҳомийлиги, давлатимизнинг буюк давлат арбоби тафаккури кучи билан юртимиз дунёда энг қудратли давлатга айланганлиги хусусида сўз борди. Жанубий операцион йўналиши оилалари билан ишлаш бошлиғи ўринбосари Салтанат Юсупова сўзга чиқиб, "Амир Темур илм фан ва маданият ҳомийси" мавзуида маъруза қилди.

АКМ кутубхоналари томонидан "Амир Темур эл-юрт халоскори" мавзуида китоб кўргазмаси ташкил этилиб, адабиётларнинг тавсиявий шарҳи берилди. Китоб кўргазмасида Соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги барча рисолалар, адабиётлар, газеталар ўрин олди. Аскарлар томонидан берилган саволларга тарихчилар жавоб беришди. Тадбир жуда қизғин ва сермазмун ўтди.

*М.МАМАТҚУЛОВА,*
*АКМ директори ўринбосари*

# Аждодлар мероси

Номи дунёга танилган улуғ бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 675 йиллиги кенг нишонланиб келинмоқда. Айниқса, келажак ворислари таълим олаётган барча таълим муассасаларида ва ҳарбий бўлинмаларда у ўзгача шукуҳ билан ўтказилмоқда.

Миллий маданиятимизни юксалтириш, халқимиз, айниқса, ёшларни буюк аждодларимизнинг бой меросидан баҳраманд этиш, ўғил-қизларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар қилиб вояга етказиш, Ватан сарҳадлари дахлсизлиги, элюртимиз тинчлиги ва тараққиётини таъминлашда Соҳибқирон бобомизнинг ҳаётий ўгитлари муҳим ўрин тутади.

Соҳибқирон таваллудига бағишлаб Шарқий ҳарбий округ офицерлар уйида "Соҳибқирон — буюк саркарда" деб номланган тадбирда иштирок этган ҳарбийлар мардлик ва жасорат, саховат ва мурувват тимсоли бўлган Амир Темур ҳаёти, фаолияти, маънавий мероси, жаҳон цивилизацияси тарихида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида маълумотларга эга бўлдилар.

Тадбирда Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги вилоят мусиқали драма театри санъаткорлари томонидан концерт дастури намойиш этилди.

"Камолот" ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан энг илғор ҳарбийларга фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Офицерлар уйи ахборот-ресурс маркази ходимлари ташкил этган "Амир Темур — буюк давлат асосчиси" деб номланган тарихий-бадиий асарлар кўргазмаси намойиш этилди.

*Муҳаммаджон МАҲМУДОВ*

## “Билайн” абонентлари биринчи

**“Билайн” “SMS-ТЎЛОВ” нақд пулсиз электрон тўлов тизими орқали тўловларни қабул қилишни бошлади.**



“SMS-ТЎЛОВ” – мамлакатимиз учун жуда ноёб ҳисобланган электрон маълумотларни етказиш тизимидир. Унинг ёрдамида абонентда товар ва хизматлар учун онлайн-тўловларни амалга оширган ҳолда, ўз банк депозитидаги пул маблағларидан максимал даражада фойдаланиш имконияти пайдо бўлади.

“Компаниямиз биринчи бўлиб “SSP-Мароқанд” тўлов тизими оператори билан келишувга эришганидан мамнунмиз ва абонентларимизга бу каби сервисни кўрсата оламиз, — дея қайд қилди “Юнител”нинг Жамоатчилик билан алоқалар хизмати катта менежери Ораз Абдураззоқов. — “Билайн” мижозлари орасида “SMS-ТЎЛОВ”нинг кўплаб фойдаланувчилари пайдо бўлишига ишончим комил”.

“SMS-ТЎЛОВ” тизими бепул ва ҳеч қандай комиссион тўловларсиз ишлайди. “SMS-ТЎЛОВ”га уланиш учун паспорт ва мобил телефон билан “МИКРОКРЕДИТБАНК” ОАТБ офисига бориш лозим.

## "Бахтли карточка" акцияси узайтирилди

**"МТС-Ўзбекистон" компанияси "Бахтли карточка" акциясини 2011 йил 31 майгача узайтирди.**

Эслатиб ўтамиз, ушбу акция шартларига кўра, 2011 йил 31 майгача 10000 сўмлик махсус экспресс-тўлов картасини харид қилиб, активлаштирган Ўзбекистондаги барча МТС компанияси абонентлари (жисмоний шахслар) 50 Мб трафикли бепул "Интернет 50 КЭО" GPRS-пакетига эга бўлади.

— Компаниямиз абонентлари қулай усулда ўз ҳисобларини тўлдирибгина қолмай, балки бепул бонус GPRS-пакетларига эга бўлишлари учун "Бахтли карточка" акциясини давом эттирамиз, — деб таъкидлади "МТС-Ўзбекистон" компанияси бош директорининг тижорат ишлари бўйича ўринбосари Н.Шодмонов.

## *ТАБРИКЛАЙМИЗ!*

**"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Фуркат почта алоқаси тармоғи бошлиғи Дилдорахон АҲМЕДОВАни 55 ёши билан чин дилдан қутлайди. Унга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар камолини кўришликни тилайди.**

**Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш сифатини яхшилаш, юридик хизматнинг роли ва жавобгарлигини ошириш мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш шароитларида муҳим тадбир эканлиги таъкидланиб келинмоқда.**

# Корхоналарда ҳуқуқий хизмат ва уни таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 182-қарори қабул қилинганлиги бунинг исботидир. Бу қарор билан давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати тўғрисидаги ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисидаги Низомлар тасдиқланган. Юридик хизмат нима? Корхонанинг юридик хизмати – корхона фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида ташкил этиладиган мустақил таркибий бўлинма ёки лавозимдир. Корхона юридик хизматининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- корхона ва унинг таркибий бўлинмалари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликни таъминлашда қатнашиш;
- корхона ва унинг таркибий бўлинмалари мулкининг сақланишини ҳуқуқий воситалар орқали таъминлаш ишларини ташкил қилиш;
- корхонада шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритишда қатнашиш;
- судларда ва бошқа идораларда корхонанинг мулкий ва бошқа манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш.

Баъзан корхона ёки муассаларнинг буйруқ ёки ҳужжатларида “ҳуқуқшунос”, “адлия маслаҳатчиси”, қолаверса, “юрист” деган юридик хизмат ходимининг лавозими кўрсатилиб келинмоқда. Шуни эслатиш керакки, “ҳуқуқшунос” — ҳуқуқ соҳасида илмий қидиришдаги мутахассис, “адлия маслаҳатчиси” — суд, прокуратура ва адлия органларида фаолият кўрсатаётган раҳбар ва ходимларига бериладиган “чин” (мансаб поғонасини белгиловчи) унвондир. Ҳар нарсани ўз номи билан аташ маъқуллиги исбот талаб қилинмайдиган ҳолат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бу қарорида юридик хизмат юридик департамент, юридик бошқарма, юридик бюро шаклида ташкил қилиниши ёхуд битта штатдан иборат – бош юрисконсулт ёки юрисконсулт бўлиши мумкинлиги белгиланган. Шунингдек, бундай лавозимда олий юридик маълумотга эга бўлган шахс ишлаши мумкинлиги, уларнинг вазифалари ва функцияларни ўз аксини топган. Қарорнинг номидан аёнки, қарор ижросини таъ-



минлаш давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари учун мажбурий, хусусий мулк асосида ташкил қилинган хўжалик юритувчи субъектлар учун тавсия хусусиятига эга. Бундан хулоса қилиш мумкинки, хусусий мулк асосида ташкил қилинган корхоналардан ташқари, номлари юқорида таъкидланган орган ва ташкилотларда юридик хизмат штати бўлиши ёки адвокатлик тузилмаси билан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича шартнома тузилиши керак. Бу шарт Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни 21-моддасида: “Хўжалик шартномалари уларни имзолашга тайёрлаш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текшириб кўрилиши керак. Уларнинг имзоларисиз хўжалик шартномалари тузишга йўл қўйилмайди. Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги хўжалик шартномалари хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг ёки жалб этилган адвокатларнинг ёзма хулосасидан кейингина тузилади”, — дейилган. Демак, давлат бошқарув органлари ва ташкилотлар фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида юристлар жалб қилиши мумкин эмас.

Шу қарор билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассаса ва ташкилотларида уларнинг юридик хизмати томонидан қарор талабларига риоя қилинишини, юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини оширишлари юзасидан назоратни амалга ошириш юкланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 22 ноябр “Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 244-қарори билан давлат органлари ва ташкилотларнинг юридик хизматлари ходимлари тегишли равишда Ўзбекистон Республикасида Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий органларида ҳар беш йилда бир марта аттестациядан ўтиши шартлиги белгиланган. Шунингдек, юридик хизмати ходими лавозимига қабул қилинган шахслар ишга қабул қилинган кундан бошлаб олти ой мобайнида аттестациядан ўтказилиши керак. Аттестациядан ўтган ходимга аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома берилади, унинг амал қилиш муддати беш йилдир. Юридик хизматлар ходимлари аттестациядан ўтишдан олдин, албатта, малакаларини оширишлари керак. Уларнинг малакаларини ошириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази билан тегишли ташкилот ўртасида тузиладиган шартнома асосида тўлов эвазига амалга оширилади.

Юридик хизмат ходими аттестациядан ўта олмаса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки унинг ҳудудий орган ходимнинг иш жойи бўйича меҳнат қонунчилигига мувофиқ, ЎзР МК 100-модда 2-қисм, 2-банди билан эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш ёхуд бошқа ишга ўтказиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш зарурлиги ҳақида бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” мавзусидаги маърузасида кейинги 10 йилда электрон оммавий ахборот воситаларининг сони 7 баравар кўпайиб, уларнинг умумий сони 1200тага етгани таъкидланган. Бу, ўз навбатида, Президентимизнинг “Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида” қонунини қабул қилиш, “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги қонунни янада такомиллаштириш, рақамли телерадиоэшиттириш тизимига ўтиш бўйича тадбирлар давлат дастурининг ишлаб чиқилиши мазкур вазифаларни ҳал этишга хизмат қилиши эътироф этилган. Юридик хизмат ходимлари қонунийликни таъминлаш ва ҳуқуқий маданиятни оширишнинг муҳим вазифа ҳисоблаб, юқоридаги қонунларни тайёрлаш, такомиллаштиришга ўз ҳиссаларини қўшишлари, корхона раҳбарларига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича эътироз ва таклифлари билан уларнинг мукаммал бўлишлари учун фаол иштирок этишлари лозим, деб ҳисоблайман.

***Маҳамадали ТУРҒУНОВ,***
***“Ali Sabriy” адвокатлик бюроси директори***

RESPUBLIKA MUSTAQILLIGINING 20 YILLIGIGA

## Фермер интернетда

"Оққўрғон овози" газетаси бош муҳаррири Абдулла Мадиевнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига бағишлаган "Кўкан фермер" асарига улуғ ёзувчи Ғафур Ғуломнинг "Кўкан" поэмасидаги Кўкан батрак образи асос қилиб олинган. Шўролар даврида оддий колхозчиликдан нарига ўтолмаган Кўкан истиқлол шарофати билан тадбиркорга айланади. Энди у ўз ерига, ўз эркига эга. Чет элдаги бизнес эгалари билан ҳамкорлик қилади. Бу борада эса у мобил телефон, компютер каби телекоммуникация воситаларидан фойдаланади, интернет орқали савдо-сотиқ ишларини амалга оширади. Қуйида "Кўкан фермер" поэмасидан бир парчасини эътиборингизга ҳавола этамиз:

...Дўппини ечиб Кўкан,
Режа қилди ишини.
Қоғозга ёзиб чиқди,
Қилажак юмушини.
– Энди офисга бориб,
Интернетга кирайин,
Беларуслик дўстимдан,
Бир трактор сўрайин.
Интернетни ёқди-ю,
Чақнаб кетди кўзлари
Хитойдан хат келибди –
Юришади ишлари.
Уларнинг ёзишича,
Тадбиркорлар келмоқчи.
Ерга қалампир экиб,
Инвестор бўб қолмоқчи...
Японлар ваъда берган
Жун цехи не бўлдийкин,
Иморати битганди
Яна неси қолдийкин.
Насиб қилса ҳадемай,
Цехни ҳам битирамиз.
"Кўкан" эмблемали
Кийимлар тиктирамиз.
Ҳисоб-китобни кўрса,
Анчагина пули бор.
Уларни ишлатишнинг,
Яхшигина йўли бор.
Аҳоли гавжум жойга,
Бир дўкон қурди Кўкан.
Ойнаванд бу дўконга,
Газет-журналдан тортиб,
Аппарат қўйди Кўкан.
Одамлар бунга келиб,
Узоқ йўлдан қутулди,
Тезда нусха кўчириб,
Ҳужжатлари тахт бўлди .
Шу тариқа Кўканбой
Тадбиркор бўлиб қолди.
Мустақиллик туфайли
Бахтини топиб олди.

*Абдулла МАДИЕВ*

## ОЧЛ: Жамоаларимиз қийин аҳволда

**Тошкентдаги «ЖАР» стадионида "Бунёдкор" Эроннинг «Пирузи» жамоасини кабул килди.**



Ўйинда «Бунёдкор» бир оз устунликка эга бўлди. Аммо ҳисоб очилмади.

**«Бунёдкор» – «Пирузи» – 0:0.**

Ушбу дурангдан сўнг «Бунёдкор» жамоаси ҳисобида «Ал-Ваҳда» ва «Пирузи»даги каби икки очко мавжуд. «Ал-Иттиҳод» барча учрашувда уч очко қўлга киритиб, деярли кейинги босқич масаласини ҳал қилиб қўйди.

ОЧЛда иштирок этаётган яна бир жамоамиз – "Пахтакор" эса Эронга сафар уюштириб, мағлуб бўлиб қайтди.

**"Истиқлол" – "Пахтакор" – 4:2**

**Голлар:** Ҳовар Мулла Муҳаммад 11, Фарҳод Мажидий 23, Маҳди Саид Солиҳий 57, Араш Бурхоний 90+4 – Душан Савич 5, Санъат Шихов 89

"Пахтакор"нинг гуруҳдаги аҳволи янаям оғир. Жамоа уч учрашувдан сўнг атиги бир очкога эга бўлган, холос.

## Ўсмирларимиз кимларга қарши ўйнайди?

Ёзда Мексика яшил майдонларида бўлиб ўтувчи ўсмирлар ўртасидаги (U-17) Жаҳон чемпионатининг яна тўрт иштирокчиси номи маълум бўлди. Эквадорда бўлиб ўтган Жанубий Америка ўсмирлари ўртасидаги қитъа чемпионатида Бразилия, Аргентина, Уругвай ҳамда Эквадор терма жамоалари тўрт йўлланма соҳибларига айланишди.

Ҳозирга қадар жаҳон чемпионатида қатнашувчи 24 терма жамоадан 18тасининг номи аниқ бўлиб улгурди. Булар мезбон Мексика, Океаниядан Янги Зеландия, Осиёдан КХДР, Ўзбекистон, Япония ва Австралия, Африкадан Буркина Фасо, Руанда, Конго ва Кот Д'Ивуар, Шимолий Америкадан Панама, АҚШ, Канада ва Ямайка, Жанубий Америкадан Бразилия, Аргентина, Уругвай ҳамда Эквадор терма жамоаларидир.

Қолган олти терма жамоанинг барчаси кўҳна қитъадан бўлади. 3-15 май кунлари Сербияда бўлиб ўтувчи Европа чемпионатида айнан ўша олти йўлланманинг эгалари аниқланади.

Жаҳон Чемпионатининг ўзи эса 18 июндан – 10 июлга қадар бўлиб ўтади.

## Одил Аҳмедов ҳафтанинг энг яхши ўйинчиси

«Анжи» клуби ярим ҳимоячиси Одил Аҳмедов Россия премер лигасининг навбатдаги тур ўйинлари доирасида бўлиб ўтган «Анжи» — «Рубин» (1-0) учрашувидан сўнг мухлислар томонидан энг яхши ўйинчи деб топилган эди.

«Анжи» клуби веб-сайтида ташкил этилган «Ҳафтанинг энг яхши ўйинчиси» сўровномасида ҳам ҳамюртимиз Роберто Карлосни ортда қолдирган ҳолда биринчи бўлди.

## Рунининг "қилиғи" қимматга тушди

Coca-Cola компанияси «Манчестер Юнайтед» ҳужумчиси Уэйн Рунининг «Вест Хэм»га қарши ўйинда телевизион камера олдига келиб, ҳақоратли сўзлардан фойдаланиб голни нишонлаганини беъэтибор қолдирмади.

«Бизнинг Уэйн билан реклама шартномамиз йил охирида ўз якунига етади. Бўлиб ўтган охирги воқеалардан сўнг биз шартномани узайтирмасликка қарор қилдик» – деб расмий баёнот берган компания вакили.

Англиялик футболчи Coca-Colaнинг реклама компаниясида иштирок этгани учун йилига 1 миллион доллардан ортиқ қўшимча даромад кўрар эди.

## ЕЧЛ: Голлар шоуси

Европа чемпионлар лигасининг чорак финал ўйинлари мухлисларга ўзига хос голлар шоусини тақдим этди. Ҳали олдинда жавоб учрашувлари бўлса-да, уч ярим финалчининг номи деярли маълум бўлиб қолди. Сешанба оқшомида «Реал» ва «Шалке-04» жамоалари катта устунлик билан ғалаба қозонган бўлса, бир кун ўтиб улар сафига «Барселона» қўшилди.

Сафардан кичик ҳисобдаги ғалаба билан қайтган МЮ ҳам кейинги босқич йўлланмаси учун яхши имконият ҳосил қилди.

1/4 финал. Биринчи учрашувлар.

**«Интер» – «Шалке-04» – 2:5**

**Голлар:** Станкович, 1 (1:0); Матип, 17 (1:1); Милито, 34 (2:1); Эду, 40 (2:2); Раул, 53 (2:3); Раонккия, 57 – автогол (2:4); Эду, 75 (2:5).

**Реал – Тоттенхэм – 4:0 (1:0, 3:0)**

**Голлар:** 1:0 – Адебайор (5), 2:0 – Адебайор (57), 3:0 – Ди Мария (72), 4:0 – Роналду (87).

**Барселона – Шахтёр – 5:1**

**Голлар:** Иниеста, 2 (1:0), Алвес, 34 (2:0), Пике, 53 (3:0), Ракицкий, 59 (3:1), Кейта, 60 (4:1), Хави, 86 (5:1)

**Челси – МЮ – 0:1**

**Гол:** Руни, 24.

## Теннис: Биринчи босқич ортда қолди

Пойтахтимизда теннис бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилаётган Халқаро теннис федерацияси мусобақалари тақвимига киритилган халқаро турнирнинг жуфтлик беллашувлари қизғин паллага кирди.

Ўсмирлар ўртасидаги жуфтлик баҳсларида Темур Исмоилов ва Абдуворис Саидмуҳаммадов дуэти украиналик Юрий Джавакян ва беларуслик Максим Йоршга қарши кортга чиқиб, рақибларидан 6:3, 6:4 ҳисобида устун келди. Истеъдодли теннисчиларимиз Санжар Файзиев ва Неъмат Шофайзиев эса учинчи рақамда сараланган дуэт – ҳиндистонлик Аржун Кадхе ва Ракшай Таккарни 6:4, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Умидли спортчимиз Шуҳрат Гизатулин эса португалиялик Энрике Соуза билан ҳамкорликда дастлабки босқичда россиялик Станислав Коршунов ва ҳамюртимиз Жамол Аҳмад Муҳаммад жуфтлигини 7:6, 3:6, 10:6 ҳисобида доғда қолдирди. Шунингдек, россиялик Денис Марков ва Артём Оганесян, Георгий Шашканов ва Александр Спирин, исроиллик Барсуф Боцер ва Игор Смиланский, ўзбекистонлик Павел Цой ва қозоғистонлик Антон Саранчуков, беларуслик Ярослав Шила ва Ярослав Зубко жуфтликлари ҳам биринчи давра баҳсларини муваффақиятли якунлаб, бош совриn учун курашни давом эттирмоқда.

Қизлар ўртасидаги жуфтлик беллашувларида биринчи рақамда сараланган ўзбекистонлик Сабина Шарипова ва америкалик Елизаветта Анна Немчинов жуфтлиги бош совринга асосий даъвогар сифатида эътироф этилмоқда. Мазкур жуфтлик дастлабки босқичда россиялик теннисчилар – Динара Халилова ва Алина Силични 7:6, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратди.

## Анна Смирнова – мутлақ чемпион

Пойтахтимизда бадминтон бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида Анна Смирнова яккалик, жуфтлик ва аралаш жуфтлик баҳсларида мамлакатимизда тенгсиз эканини исботлади.

Иккинчи ва учинчи ўринлар пойтахтлик Мария Пакина ва андижонлик Сурайё Аҳмаджоновага насиб этди.

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин**

ОАЖ "ALSKOM" суғурта компанияси жамоаси компания бош директори ўринбосари Фаррух Ҳасановга волидаи муҳтарамаси

**Анзират ҲАСАНОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

**Ҳар бир халқнинг ўз тарихи, маданияти ва шу халқ маданий ва маънавий ҳаётида ўчмас из қолдирган ўз олиму фузалолари, давлат арбоблари, алломалари бор. Ана шундай давлат арбобларидан бири Амир Темур ўз юртини ва халқини севган, ўзида юксак инсоний фазилатларни мужассам этган буюк шахсдир. У ўз даврида қудратли давлат қурган буюк саркардадир. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда: "Давлат қудратли бўлмаса, бетакрор маънавий мерос ҳам, обидалар ҳам, тарихий ёдгорликлар ҳам бўлмасди". Амир Темурнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари, давлатни бошқариш ва қонунчилик, иймон-эътиқод ва қонун устуворлигига қаратилган сиёсатини унинг замондошлари ҳам, кейинги давр олимлари, сиёсатчилари ва фан арбоблари ҳам юксак баҳолаганлар.**



# Юксак маънавият соҳиби

## Амир Темур таваллудининг 675 йиллигига

Ушбу фикримизни қуйидаги мисоллар орқали тўлдиришни лозим топдик. Темур ҳаётини ёритишда улкан ҳисса қўшган француз олими Жан-Пол Ру улуғ бобокалонимиз ҳақида ўта холислик билан қуйидагиларни айтиб ўтади: "Амир Темурнинг ўз Ватанига, дўстларига садоқати, адолати, илм аҳлига кўрсатган юксак хизмати, художўйлиги, маданиятлилиги, сахийлиги, камбағал ва заифларга меҳр-муруввати унинг муваффақиятлар омили бўлган". Ҳақиқатан ҳам буюк бобокалонимизда камбағал ва заифларга, етим-есирларга ёрдам бериш ва бошқа инсоний фазилатлар кучли бўлган. Қалбида ҳасад, ғийбат, фаҳш каби иллатли кимсаларни жуда ёмон кўрган. "Темур тузуклари"да ёзилганидек: "Дарвеш, фақир ва мискинларни ўзимга яқин тутдим, уларни кўнгилларини олдим, бирон талабларини рад этмадим. Бузуқи, оғзи шалоқ, ғийбатчи одамларни мажлисларимга йўлатмадим. Сўзларига амал қилмадим. Бирон кимса хусусида туҳмату ғийбат қилсалар, қулоқ солмадим".

Тарихчи Шарофиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асарида ёзилишича: "Тез орада Самарқанд ул динпарвар жаҳонгирнинг ҳукмронлиги ва адолати бахтига муяссар бўлиб, ўта ободлиги, аҳоли кўплиги ва келиб-кетувчиларнинг маҳлиёлигидан шу даражага етдики, Қоҳира рашк либосини Нилга отди".

Улкан бошқарувчилик салоҳиятига эга бўлган улуғ бобомиз давлат бошқарувида кенгашу машваратга катта эътибор берган. У ўз халқи, миллатини севган ватанпарвар сиймо сифатида давлатини идора этишда адолат ва инсоф билан иш кўришга интилган. Агарда Темур қолдирган маънавий меросимиз ҳисобланмиш "Темур тузуклари"ни чуқуроқ ўрганиб, унда айтилган маслаҳатлар, насиҳатларни чуқур таҳлил қилсак, Соҳибқироннинг нафақат кенг сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий қарашлар, балким юксак инсоний фазилатлар соҳиби эканлигига амин бўламиз.

Тарихий манбалардан маълумки, Амир Темур нафақат Мовароуннаҳрни озод қилди, балким Олтин Ўрда хони Тўхтамишхонни икки марта тор-мор қилиб, Россиянинг мўғул истилочилари ҳукумронлигидан қутулишини 300 йилга тезлаштирган, Боязид Йилдиримни енгиб, Болқон яримороли ва Европа халқларига озодлик бағишлаган. Францияда Амир Темурга олтин ҳайкал қўйилиши ва унинг остига "Оврўпонинг халоскорига" деб ёзилиши унинг босқинчи эмас, балким халоскор эканлигидан далолат беради. Шу ўринда Буюк Темурнинг халоскорлигини тасдиқлайдиган ва халқимиз қалбига ғурур ва ифтихор бағишлайдиган тарихий воқеани эслатиб ўтишни лозим топдик. Маълумки, 1390-1400 йилларда кўпгина Ғарб мамлакатлари Усмонли турк султони Йилдирим Боязид билан бўлган жангларда мағлубиятга учраган эди. Аҳвол шу даражага етиб борганки, Ғарб мамлакатлари турк султони Боязидга асир тушган ака-укалари, фарзандларини товон тўлаб қутқариб олишга ҳам имконият топа олмай қолган. Натижада улуғ бобокалонимизни халоскорлик шуҳратидан хабар топган Ғарб давлатлари ҳукмдорлари ёрдам сўраб ўз элчиларини Буюк Темур саройига юборадилар. Бу воқеаларни ҳақиқатлиги ва холисона бўлиши учун ушбу воқеани, яъни Темурни Ғарб давлатларини озод қилиш учун отланган ҳолатини англиялик темуршунос олима Ҳилда Хукҳэм талқинида сўзма-сўз далиллашни лозим кўрдик: "Оврўпо осмони узра умид юлдузи чарақлай бошлади. Шарқдан Усмонли турклар мулки томон ўзининг беҳисоб суворий лашкарини бошлаб, заковатли инсон, моҳир шатранжи, малакали дин пешвоси ва атоқли саркарда Темур яқинлашиб келарди".

Шу ўринда Амир Темур ҳақидаги таърифлардан, юксак баҳолардан баҳраманд бўлишлик бахтини халқимизга муяссар қилган муҳтарам Юртбошимизнинг Амир Темурга бўлган эҳтиромларини айтиб ўтишни жоиз деб билдик: "Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак". Ушбу таъриф ва баҳолардан кўриниб турибдики, Амир Темур эришган ютуқ ва муваффақиятларнинг бош омили, энг аввало, унинг одил сиёсати эди. У ўз қудратини мамлакат узра ёзилган улкан чодирга ўхшатди: "Бу чодирни кўтариб турувчи устунлар – адолатдир, чодирни тортиб турган арқонлар инсофдир, чодирни мустаҳкам тутиб турган қозиқлар эса ҳақиқатдир. Худди қозиқлар ва арқонлар чодирни тутиб турганидек, ҳукмдор шу уч сифати билан қудратини тиклаб турмоғи керак", деб таъкидлаган эди. Бундан ташқари, Буюк Соҳибқирон ўзидан олдин ўтган ҳукмдорлар фаолиятини чуқур таҳлил қилиб, ижобий томонларидан давлат бошқарувида амал қилган, салбий томонларидан эса сақланган. "Темур тузуклари"да ёзилганидек, "Ҳозирги дамгача ўтган султонларнинг қонунлари ва туриш-турмушларини донолардан сўраб-суриштирдим. Ҳар қайсиларининг йўл-йўриқлари, туриш-турмушлари, қилиш-қилмишлари, айтган гапларини хотирада сақладим ва яхши ахлоқлари, маъқул сифатларидан намуна олиб, унга амал қилдим. Давлатларининг таназзулга учраши сабабларини суриштирдим ва давлату салтанат заволига сабаб бўлувчи ишлардан сақландим. Наслни бузувчи, очарчилик ва вабо, касаллик келтирувчи зулм ва бузуқчиликлардан сақланишни ўзимга лозим билдим". Демак, Буюк бобокалонимиз Амир Темур ўз халқи ва бошқа халқлар тарихига жуда қизиққан, буюк алломаларининг асарларидан яқиндан танишиб, ўз фаолиятида амал қилган. Бу эса доноликнинг бир кўринишидир. Ҳозирги кунда республикамизда олиб борилаётган инсонпарварлик ва адолатпарварлик сиёсати, муқаддас динимизга нисбатан бўлган оқилона муносабат, Буюк Темур қурган пойдевор устида муҳташам бино қурилаётганидан далолат десак, муболаға бўлмайди. Пойдевори мустаҳкам бўлган, адолатга, иймон-эътиқодга таянган ва қонун устуворлигига эришган мамлакатнинг келажаги буюкдир.

*Комилжон СУЛТОНОВ,*
*ТАТУ Қарши филиали "Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар" кафедраси ўқитувчиси*

**Xabar**

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир: Абдусаид КЎЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асаджон ХЎЖАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шуҳрат СОДИҚОВ, Шуҳрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
**Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.**
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

**Тижорий материал — ®**
Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
100043, Тошкент,
Бунёдкор шоҳкўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: *info@xabar.uz*

*Обуна индекси — 228.*

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: **Аслиддин БЎРИЕВ.**
Навбатчи: **Собит АҲАДОВ.**

**Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.**

**Газета ҳафтанинг жума куни чиқади**

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
**Манзил:** Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-402 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 16244 нусха.

**ISSN 2010-6424**
Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят мухбирлари:

| Андижонда | Бухорода | Гулистонда | Жиззахда | Навоийда | Наманганда | Нукусда | Самарқандда | Термизда | Тошкентда | Урганчда | Фарғонада | Қаршида |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 226-47-80 | 223-27-85 | 40-12-19 | 226-06-34 | 225-91-10 | 226-61-85 | 554-35-45 | 233-61-81 | 224-06-12 | 288-40-66 | 226-37-16 | 226-87-71 | 314-08-99 |

1 345